



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2001 йил 3 январь, чоршанба

№1 (11.286)

Эркин нарҳда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мухтарам дўстлар!

Авваломбор, байрам дастурхони атрофида жам бўлиб ўтирган сиз, азизларни — кексаю ёш барча юртдошларимни кириб келаётган Янги йил айёми билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бир неча дақиқалардан кейин инсон ўзига тасаввур қилиши ҳам қийин бўлган воқеанинг гувоҳи бўламан — хонадонларимизга бир пайтнинг ўзида янги йил, янги аср, янги минг йиллик кириб келади.

Асрлар ва минг йилликлар алмашадиган, инсоният янги даврга қадам қўядиган бундай ноёб ва тарихий лаҳзаларга гувоҳ бўлиш — барчамизга Оллоҳ таоло насиб этган улуг инъом, катта бахтдир. Халқимиз таъбири билан айтганда, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

Азиз юртдошларим!

Ўзининг оламшумул ютуқлари ва мислсиз фойдалари, мураккаб заҳматлари билан одамзотни хайратга соладиган XX аср билан хайрлашар эканмиз, унинг кўп-кўп ҳақиқатлари очиб берган тарихий сабоқлари беихтиёр ҳаёлимиздан ўтади.

Бу давр кишилик тарихида инсоннинг қирини қириб, илм-фаннинг гуркираб ривожланиши, чинакам мўъжизаларга йўл очилиши, ишлаб чиқариши, ижтимоий ҳаёт ва инсон дунёқарашини кескин ўзгартириб юборгани билан одамзот хотирасида ўчмас из қолдиради.

Бу аср жаҳон миқёсида мустамлакачилик тузумининг барҳам топиши, миллионлаб мазлум халқларнинг озодлик ва эркинлик учун кураш даври бўлгани билан ҳам ахамиятлидир.

Лекин, таассуфки, инсоният бу асрда ҳам оғир муаммолар, турли синов ва хавф хатарлардан бутунлай халос бўлмади.

Дунёнинг икки марта жаҳон урушини бошдан кечиргани, бутун бутун халқлар ҳаётига хавф соладиган миллий, мафкуравий, диний асосдаги қарама-қаршилиқларнинг, ҳудудий можароларнинг авж олгани, халқро террорчилик, экстремизм, экологик хатарлар, гиёҳвандлик каби иллатлар инсоният бошига улкан мусибатлар олиб келгани ҳам мана шу даврнинг аччиқ ҳақиқатидир.

Ўтаётган асримизга хос бундай ижтимоий тўфонлар бизнинг ўлка-мамизни ҳам четлаб ўтгани йўқ, албатта. Халқимиз мустамлакачилик зулми ва қарамлик жабрини тортиди, мустабид тузум, камситиш, тазийк ва қатагон йилларини бошидан кечирди, озодлик ва истиқлол учун кураш йўлида қанча-қанча қурбонлар берди. Лекин ҳар қандай оғир, машаққатли синовларда ҳам ўз орзу-ниятларидан, дину диёнатидан, улуг мақсадларидан, ҳуррият сари интилишидан қайтмади.

Шу боис ҳам халқимиз, милла-

тимиз учун, шу табаррук ва мўътабар замин — Ўзбекистон менинг ягона ва бетакрор Ватаним, деган ҳиссиёт билан яшаётган ҳар қайси инсон учун XX аср, аввало, мустақиллик асри бўлиб қолажак.

Биз тарих берган ноёб имкониятдан фойдаланиб, ўз ҳаётимизни, ўз тақдиримизни қўлга олдик, ўзгилгимизни англадик. Ўз кучимиз ва қудратимизга ишониб, халқимизнинг олижаноб фазилатлари, сабр-матонати, фидокорона меҳнати туфайли қисқа даврда — шу асрнинг охиригача ўн йилликда келажгимиз ва бахт-саодатимиз пойдеворини барпо этдик, янги асрга озод халқ, эркин миллат бўлиб, ёруғ юз билан кириб бормоқдамиз.

Шу маънода, дунёдаги илғор мамлакатлар билан биргаликда тараққиёт йўлидан бориш, ҳаётимизни ислоҳ этиш, жамият ва давлат тизимини янгилаш ва эркинлаштириш, бир сўз билан айтганда, юртимизни обод, халқимиз ҳаётини фаровон қилиш борасида 2000 йил ўзига хос ўринга эга бўлди.

Ўйлайманки, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига бефарқ қарамайдиган, мана шу ўзгаришларни ўз қалбидан ўтказадиган ҳар қайси инсон ҳаётимизда рўй бераётган янги-янги жараёнларини қўриб беихтиёр қувониши шубҳасиз.

Шаҳар-қишлоқларимиз, юртимиз кийфаси кундан-кунга ўзгариб, чирой очаётгани, бепоён далаларимизда, ишга туширилаётган янги-янги корхоналаримизда, умуман, иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳаларида одамларнинг ҳаётига, меҳнатга муносабати ўзгариб, масъулияти ортиб бораётгани бугунги кунимизнинг эрқ устувор хусусиятидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Маънавий-маданий ҳаётимизни янги маъно-мазмун билан бойитиш, миллий қадриятларимизни тиклаш, асл томирларимизга қайтиш йўлида амалга ошираётган хайрли ва эзгу ишларимиз ўзгилгимизни англаш ва буюк мақсадларимизга эришишда мустақкам пойдевор бўлмоқда.

Бу борада Соғлом авлодни тарбиялаш, Қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурларни амалга ошириш, фарзандларимизни дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган, етук ва баркамол инсонлар этиб воёга етказиш йўлида қўйган қадамларимиз барчамизни қувонтирмасдан қолмайди.

Айни вақтда юртимизнинг бойлиқларига кўз олайтираётган, танлаб олган йўлимиздан собитқадамлик билан олға юришимизни кўролмайдиган, кўпмиллатли халқимизнинг тинч-тотув ҳаётини, ўзаро ҳурмат ва аҳиллигимизни, жамиятимизда ҳукм сўраётган меҳр-оқибатни бузишга уринаётган манфур кучлар ҳам борлигини унутмаслигимиз керак.

Шу боис биз бу кучларнинг қабих ниятларидан доимо оғоҳ ва

хушёр бўлишимиз, азиз болажонларимизни асраш ва уларни ёвуз таъсирлардан сақлаш — ҳар бир ота-онанинг инсоний бурчи эканини яна бир қарра англаб олишимиз даркор.

Мухтарам дўстларим, биродарларим!

Мана шу унутилмас лаҳзаларда ҳар қайси инсон Оллоҳ таолодан қалбининг тўрида ардоқлаб келаётган энг эзгу истак ва ўйлари рўёбга чиқишини, ўзига, оиласи ва фарзандларига эсон-омонлик, элу юртига тинчлик, тўқинлик ато этишини, омад ёр бўлишини сўрайди.

Мен ҳам сиз — миллион-миллион азиз ҳамюртларимнинг ана шундай орзу-умидларига тилакдош бўлиб, дилингиздаги пок ниятларингиз ижобат топишини Яратганимиздан сўрайман.

Ҳеч шубҳасиз, янги кириб келаётган йилда халқимизнинг фаровонлигини ошириш, унинг тинч ва осуда ҳаётини асраш, ёрдамга муҳтож оилаларни давлат ҳимоясига олиш йўлида, тадбиркор ва ишбилармонлар учун, изланиб яшаётган ҳар қайси инсон учун имконият ва шарт-шароит яратиш, уларнинг йўлини очиб беришга, одамларнинг ўз меҳнати натижасидан кўпроқ баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилган ишларимиз янада кучаяди ва иншоолло, ўз самарасини беради.

Янги асрнинг биринчи йилини Оналар ва болалар йили деб атаб, янги йилни хонадонларимиз чароғи, ҳаёт давомчиси бўлган мунис оналар ва истиқболимиз эгалари — фарзандларимиз тимсолида кўришимиз буюк келажакни фақат соғлом ва баркамол авлодга бунёд эта олади, деган ҳақиқат ҳаётимизда изчил ва мустақкам қарор топётганининг тасдиғидир.

Биз кириб келаётган йилда катта ифтихор ва гурур билан нишонлайдиган мустақиллигимизнинг ўн йиллик байрами ҳамда тарихимиздаги буюк саналарни муносиб қўтиб олишга қаратилган барча режаларимиз янги йилимизнинг янада мазмунли бўлишига ҳисса қўиши ва унинг файзу баракасини зиёда этиши муқаррар. Қадрият ватандошларим!

Барчамизнинг нигоҳимиз мангулик сари ошқабётган соат милларига қаратилган мана шу ҳаяжонли дақиқаларда ҳар бирингизни хаёлан бағримга босиб, айтмоқчиман:


Янги йил хонадонларимизга бахту саодат, файзу барака олиб келсин!

Дуоғўй отахон ва онахонларимизнинг умрлари зиёда бўлсин, ўғил-қизларимизнинг камолини берсин!

Халқимизнинг боши омон, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил, янги аср, янги минг йиллик барчамизга муборак бўлсин!

Ислоҳ ҚАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.



ОНАЛАР ЙИЛИ БУ — БОЛАЛАР ЙИЛИ

«Она омон — унинг оғирлиги сенинг елканга тушмайди», дейди қадим мутафаккирлардан бири.

Онажон! Қалби осмон қадар кенг, осмон қадар мусаффо онажоним! Наздимда кўёш Сизнинг қалбингиздан чиқиб келаётгандек бу оламга. Онам деб энтиммаган дил, онам деб талпинмаган жонот бормикан? Бу саволимдан кейин гўё бутун ер юзи «йўқ!, йўқ!» деган ҳайкириқларга тўлиб кетаётгандек.

Мухтарам Президентимиз биз янги аср боши, янги минг йиллик боши — янги 2001 йилимизни Сизнинг номингиз билан атади Онажон! Бунда улуг ҳикмат бор! Чунки оналар қалбида тоза тиллақлар тошиб туради. Йўрқадаги гўдагига кўкрак тутиб турган она, бешиқдаги боласига термилиб алла айтаётган аёл, Яратгандан нима сўрайди? Албатта дунёга ТИНЧЛИК, боласига ОМОНЛИК! Сафарга, ҳарбийга фарзандини кузатаётган Онанинг сўзларини тингланг, кўзларига боқин! Оқ тиллақлар еру қўкка сиймай кетади бу сўзларда. Бу кўзлардан меҳр дарёси оқади шу дамларда. Онажонларимиз бешиқлар, беланчақларга қўшиб МЕҲР тебратадилар. Оналарнинг нафасларидан меҳр еллари эсади, вафо ва оқибат еллари эсади.

Онажон, онажонларим, Сизларнинг номингиз билан аталган йил худо хоҳласа кўтулғу йил бўлади. Чунки фақат оқлар одамгина ОНАлар йилида қўлга қурол олиши мумкин. Ким оналар йилида ўзганининг тинчлигини бузади? Ким бунга журъат этади?

Ахир она деса тошлар ҳам эрийди-ку! Ахир пайгамбаримиз ҳам жаннат оналар оёғи остида, деганлар-ку! Онажон. Шунинг учун ҳам юрт эгаси Янги йилни Сизнинг номингизга бахшида қилдилар! Шу юрда яшаб, ўтмишда истибод азобиде эзлиб, аёллик орияти, аёллик қадри топталган оналар ҳақи! Мустақиллик берган, ҳурлик берган, озодлик берган бахтга бека бўлиб яшанг энди, онажонлар! Рухлари озод юрт осмониде чарх ураётган Тўмарисдек, Бибихонимдек, Нодирадек, Увайсийдек, Зулфиядек момоларим ҳақи-ҳурмати Ўзбекистон Оналарининг қадри энди бу заминда ҳаммиша улуғланажак. Онани улуғлаш, аёлни қадрлаш бизга пайгамбаримиздан мерос. Онага, аёлга эхтиром бизга Темури бобимиздан, Навоий, Бобур каби миллат улугларидан мерос!

Онажон, онажонларим, дуо қилинг, янги аср, янги минг йилликнинг янги йилида ўзбек аёли йўрқақларан ўғлонлар миллатга қудрат, миллатга кўкрак, миллатга юз, миллатнинг орияти бўлиб улғайсин! Зеро,

улуг ниятлар, улуг орзулар тўлқинида оқа билиш ҳам Яратган ёрлақган инсонларга хос.

Болажон, дунёга бек бўлиб туғилган болажон! Янги йил — сенинг ҳам йилинг бўлди! Зеро, Юртбошимиз онани боласиз тасаввур қилиб бўлмагани яхши биладилар. Қайси она, қайси ота, қайси миллат фарзандсиз эртасини ёруғ кўрибди? Миллатнинг эртани тафаккур чироғи сенинг жажжи юрагингда чўғланиб турибди, болажон! Сен келгучи кўкларга-да, кўк бўласан. Мухтарам Президентимиз таъкидлаганидек, оталар нима учун яшаптилар, оналар нима учун яшаптилар? Сен биздан бахтли, биздан яхши яшашиг учун!

Аммо сен ҳурматни талаб қилиб олгучи бўлма, аммо сен бировнинг бахтини тортиб олгучи бўлма! Бу сенинг аждодингга ёт иллат. Сен қувончингни бўлашиб яша, сен бахтингни улашиб яша! Ахир болаларинг бир майисини қирқ киши бўлиб еганлар. Йилгаинг келса худого йилга! Сен аввал ерни кўр! Унда улуг аждодларинг ётур. Унда ризқ-насибонг унур. Меҳринг аввал ана шу она заминга тўк. Сени улугласа фақат меҳнат улуглайди. Сени камолга вафо етказди, муҳаббат етказди. Иймон сени Яратганга ақин қилади.

Болажон, мен сенга насиҳат қилмоқчи эмас эдим. Мен сени янги йил, янги аср, янги минг йиллигинг билан қутламоқчи эдим. Не қилай, кўнглимнинг кўзи очилиб кетди. Кўнглимнинг юзига боқдим, кўнглимнинг тубига боқдим. Оқ дарёлар оқаркан кўнглимда. Янги йил тонгида сенинг кичкина ҳовучингни шабнамларга тўлдириб бергим келди. Шабнамларга юз чайган боланинг чехраси тиниқ бўларкан. Шабнамлардан бир қултум ичган боланинг томирларида тоза тиллақлар оқаркан. Илоҳим, улуг ниятлар йўлдошинг бўлсин, болажон!

Болажон, янги йил тонгида кўз очган болажон, биз сенга янги асрни омон топшираямиз. Осмоннинг тинч, юртинг озод, миллатинг-хур. Иншооллоҳ, сенда, янги бир асрни келажак авлодларга омон топширайсан! Чунки дунё оналарнинг ораси бир — фақат ТИНЧЛИК. Дунё оналарининг қайғуси — урушдан асрасин ер юзини! Ҳар қандай инсоннинг чехрасига ярашадиган бир нур бор — бу табассум нури. Дунёда ҳар қандай одамни энтиктириб юборадиган бир муаттар ҳис бор — бу иссиқ нон исид! Дунёда ҳар қандай одам хавас қиладиган бахт бор — бу бир-бирининг оғушида қулиб турган она ва бола бахтидир!

Янги йил табассуми, янги йил дастурхонидеги янги нон исид, янги йил бахти барчангизга муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

Маҳмуд ТОИРОВ.

Шу сонга • Шу сонга • Шу сонга

МАКТАБДА СПОРТ ШАҲАРЧАСИ
Янгийўл туманидаги Болғабоев номи жамоа ҳўжалигиде жойлашган ўрта мактабда спорт шаҳарчаси қуриб битказилди.
ТУМАН ҳокимлиги бош бўлган ушбу хайрли ишга жумладан, республика «Фидокорлар» партияси туман қўмитаси ҳам ҳомийлик қилди.
Спорт иншооти учун зарур жиҳозларни харид қилиш учун 400 минг сўм маблағ ажратилди.
Янги спорт шаҳарчаси туманда ўтказиладиган турли мусобақалар ва оммавий тадбирлар марказига айланади.
Акбар АЛИЕВ.

ЧАҚҚОНЛИК ВА МАҲОРАТ КўРИГИ
Бўстонлиқ туманидаги Қоранқулсой қишлоғиде жойлашган ёш ўлкашунослар тоғ-сайёҳлик оромгоҳиде «сайёҳлик маҳорати қишки мусобақаси» ташкил этилди.
МАКТАБ ўқувчиларининг қишки таътилларини мазмунли ва мароқли ўтказиш дастури доирасидеги ушбу мусобақаларда юз нафарга яқин ёш ўлкашунос ўз билим ва маҳоратини намойиш этди. Фолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.
Ўз муҳбиримиздан.

КУТИЛМАГАН СОВҒАЛАР
ЮҚОРИЧИРЧИҚ тумани ҳокимлиги, «Қамолот» жамғармаси туман бўлими ҳамда туман «Чернобил жамғармаси» билан ҳамкорликде байрам кунлари болажонлар учун қутилмаган янги йил совғаларини тайёрлашди.
УЛАР чекка қишлоқларда бўлиб, кўчада сайр қилиб юрган жажжи кичкинтойларга байрам совғаларини улашдилар. Икки кун мобайнида 500га яқин ана шундай совғалар тарқатилди.
Шунингдек, ширкат ҳўжаликлари томондан 8 минг нафар бошланғич синф ўқувчилари учун ҳам янги йил совғалари улашилди.
Латифжон МАНСУРОВ.

«САҲОВАТ»ДА НИШОНЛАДИЛАР
Паркент тумани ҳокимлиги ва маънавият маркази ташаббуси билан 30 декабрь кун янги йил базми уюштирилди.
«Саҳоват» кафесида ўтказилган бу базмда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Равайн Комилов, Курсия Эсонова ва қизикчи Валижон Шамсиев йилгиланларни ўз санъатларидан баҳраманд қилдилар.
Қамолитдин АСҚАРОВ.

ХОРИЖГА ЮБОРИАДИ
«Карготранс» Зангиота туманида ишлаб турган кичик корхоналарининг бири. Унинг жамоеси автомашиналарини қўшимча жиҳозлаб, юк қўтаргичларга айлантириш билан шуғулланади.
Бундай маҳсулотга ички бозорда талаб катта, тайёрланган қўтаргичлар дарҳол ўз харидорини топмоқда.
Кичик корхона ўзининг шундай маҳсулоти билан жаҳон бозорига ҳам кириб борди. Чунончи, Эрондан миҳоз топилиди. Унинг буюртмаси билан иккита автокўтаргич тайёрланди ва у янги йил арафасиде хорижлик миҳоз номига юборилди.
Собир ҲАМИДОВ.

Шу сонга • Шу сонга • Шу сонга

ЮРТ КЕЛАЖАГИ ҲАҚИДА ГАМХЎРЛИК

Мустақиллик эришилганидан сўнг ўтган даврда республикамизда болалар ўлими кўрсаткичи икки баравар камайди. Бу Ўзбекистон раҳбариятининг ёш авлодни соғломлаштиришга йўналтирилган сиёсати натижасидир. Миллий матбуот марказида «Соғлом авлод» давлат дастурини амалга оширишнинг дастлабки якунлари бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров, ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси раиси Ойниса Мусурмонова, республика оналик ва болаликни химоя қилиш тизими раҳбарлари ва мутахассислари ҳориги ва маҳаллий журналистларнинг саволларига жавоб беришди.

Ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий тарбияси тўғрисида гамхўрлик қилиш мамлакатимиздаги ислохотларнинг асосларидан бирини ташкил қилади. Матбуот анжуманида Президент Ислам Каримов томонидан янги асрнинг биринчи йили Оналар ва болалар йили деб эълон қилиниши ушбу сиёсатнинг узвий давоми эканлигидан далolat бериши таъкидланди.

Бугунги кунда ишлаб чиқиладиган «Оналар ва болалар» давлат дастури доирасида оналик ва болаликни химоя қилиш ишларини янада яхшилашга алоҳида эътибор берилди. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, аёл-она ҳақида, фарзанд ҳақида гамхўрлик — бу мамлакат келажаги ҳақида гамхўрлик демек.

(Ў.А.)



ҚУВОНЧЛИ ПАҲЗАЛАР

Янги йил байрамиди ўтказиш ҳамиша ва ҳар доим болажонларимизга олам-олам шоду хуррамлик бахш этади. Янгийўл шаҳар марказида ташкил этилган «Президент арчаси» шаҳардаги барча ташкилот ва корхоналар, ўқув муассасаларининг ишчи-хизматчилари ҳамда кам таъминланган оилалар, ногиронларнинг фарзандларидан иборат минг нафар болажонлар ва қизалоқларни ўз бағрига олди.

Шу кун кичкинтойлар ажайиб мўъжизалар, гаройиб воқеаларнинг шоҳиди бўлишди. Уйин-кулгу ҳар қачонгидан ҳам авж пардага кўтарилди. Айниқса Қорбобо ва Қорқиз улашган Президент

совғалари уларни гоятда мамнун этди. Бу борада, айниқса, шаҳардаги «Фиш-инвест» хусусий корхонаси тадбиркорларининг болажонларга кўрсатган саховати ўзгача бўлди. Улар 13 нафар ногирон болажонларнинг ҳар бирига 10 минг сўмдан пул ажратиб, уларга кийим-бошлар ва Янги йил совғаларини тақдим этишди.

Байрам сўнггида барча болажонларга Президентимизнинг махсус Янги йил совғалари топширилди. «Президент арчаси» тантаналари давом этмоқда.

СУРАТЛАРДА: Янгийўл шаҳридаги «Президент арчаси» тантаналаридан лавҳалар. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.



Қарор ва ижро

МАЪЛУМКИ, Ўзбекистон Республикасининг қарори билан 1999 йилнинг октябрь ойида «Ўзқишлоқхўжалиқмашлининг» ҳиссадорлик компанияси ташкил этилган. Унинг асосий вазифаси мавжуд машина-трактор парклари ва қишлоқ хўжалиқ корхоналарига молиявий лизинг асосида трактор ва йиғим-терим техникасини етказиб беришдан иборат эди.

Орадан бир йил ўтиб эса республика ҳукуматининг «Қишлоқни лизинг

шартларида қишлоқ хўжалиқ техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги яна бир янги қарори эълон қилинди. Лизинг усулига бу қадар жиддий эътибор берилганлигининг бониси нимада? Юқоридаги ҳар икки қарор қишлоқ хўжалиқига қай даражада амалий наф келтиради? Мухбиримиз «Ўзқишлоқхўжалиқмашлининг» ҳиссадорлик компаниясининг вилоят филиали раҳбари Олимжон Шоносов билан шу ҳақда суҳбатлашди.

лизинг олувчи) шартнома бўйича амалга оширилади. Лизинг берувчи билан сотувчи ўртасида икки тарафлама шартнома тузилаётганда лизинг объектининг олди-сотиши ҳақида қўшимча шартнома ҳам тузилади. — «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиқ техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда асосан қандай мақсадлар назарда тутилган? — Вазирлар Маҳкама-

лишидан далolatдир. Янги қарорга мувофиқ 2001-2007 йилларда «Ўзқишлоқхўжалиқмаш-холдинг» компанияси корхоналари томонидан, шу жумладан, илгор чет эл компаниялари иштирокида ишлаб чиқарилган замонавий қишлоқ хўжалиқ (трактор ва йиғим-терим) техникаларини машина-трактор паркларининг ҳудудий бирлашмаларига, ширкат ва фермер хўжалиқларига 7 йиллик муддатга лизинг усулида тақ-

ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ҳар бир мижоз билан бевосита жойларнинг ўзида алоқа ўрнатилиши имконини беради. Муқобил машина-трактор парклари учун техникани жойларда олиш имкониятининг яратилиши эса, ўз навбатида соғлом рақобатнинг ривожланишига олиб келади.

Лизинг операциялари орқали кўп техника сотиб олиш ва янги иш жойлари очиб имконияти туғилади. Лизинг тўловлари маҳсулот таннарихига киритилади ва ялпи харажатларда ҳисобга олинади, бу эса фойдадан олинмаган солиқ ҳажмининг камайиши таъминлайди. Шунингдек, лизинг орқали фермер хўжалиқлари ҳам замонавий технологияларни қўлга киритадилар ва бу билан ўз фаолиятларини янада кенгайтириш имкониятига эга бўладилар.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан «Ўзқишлоқхўжалиқмаш-лизинг» компанияси олдида қўйилган вазифалар изчил ва тўла ижро этилса, республика иқтисодийнинг энг муҳим соҳаларининг бири бўлган агросаноат мажмуини замонавий техника воситалари билан таъминлаш масаласи ҳал этилади ва бу тармоқнинг ривожини янги босқичга кўтарилади.

Суҳбатдош: Абдусамад Йўлдошев, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

ЛИЗИНГ — ДЕҲҚОН УЧУН АЙНИ МУДДАО

— МАМЛАКАТИМИЗДА кечаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида шу нарса ҳам ойдинлашдики, бозор иқтисодиётини мукаммал шакллантириш ва тўла қарор топтиришнинг асосий шартларидан бири янги бозор институтларини яратишдир. Бугунги кунимизнинг долзарб муаммоларидан бири — республикамиз қишлоқ хўжалиқ машина-трактор паркларига ва қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини етиштирувчиларда айланма маблағларнинг етишмаслиги айнан шу масала билан боғлиқдир. Ана шу етишмовчилик оқибатида бир томондан машинасозлик корхоналари ўзлари ишлаб чиқарган техникаларини сотолмай, қийналсалар, иккинчи томондан қишлоқ хўжалиқ корхоналари ўша техникаларга жуда муҳтож бўлганлари ҳолда, сотиб олиш учун маблағ етказолмай, қийналадилар.

— Икки томоннинг ишини қасод қилиб турган бу муаммони тезроқ ва осонроқ ҳал этиш учун лизинг усули жорий этилаётган экан-да? — Шундай. Лизинг

ва йиғим-терим техникасини етказиб беришга кенг йўл очади. Бундан келган маблағ қишлоқ хўжалиқ машиналари ва тракторлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ҳисоб рақамларига ўз вақтида туширилади. Бу эса уларга айланма маблағларни биринчи галдаги эҳтиёжларга ишлатиб, уни тўлдириб туриш имконини беради.

— Қишлоқ хўжалиқ корхоналари-чи? — Улар техника қиймати аста-секин, яъни бир неча йил давомида тўла, қутилиш имконига эга бўладилар. Қатъий ишонч билан таъкидлаш жоизки, лизинг йўли билан олинган техника ўзини ўзи бемалол оқлайди, албатта. Агар инфляция чикимлари

айниқса, деҳқонлар учун жуда манфаатлидир. — Лизинг шартлари ҳақида гап очдингиз, у ҳақда деҳқонлар учун кенгроқ тушунча берсангиз.

— Лизинг ижара муносабатларининг алоҳида бир тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи), иккинчи тараф (лизинг олувчининг) топширигига мувофиқ учинчи тараф (сотувчи)дан ҳақ вазизга эғалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулк (лизинг объекти)ни олади. Лизинг уч тарафлама (сотувчи — лизинг берувчи — лизинг олувчи) ёки икки тарафлама (лизинг берувчи —

сизнинг ушбу қарори номидан ҳам кўриниб турганидек, қишлоқ хўжалигини замонавий юксак умумий техникалар билан таъминлашни рағбатлантириш, тармоқ механизациясини янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, жумладан, илгор чет эл компаниялари иштирокида қишлоққа етказиб берилган трактор ва бошқа йиғим-терим техникаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тақомиллаштириш мақсадида қабул қилинди. Бу эса республика ҳукуматининг ушбу янги бозор иқтисодиёти институтига эътиборни янада кучайтираётганидан ва демек, унинг фаолияти бундан буён янада кенгайтири-

дим этиш орқали 15 фоиз бўнак маблағини машина-трактор паркларининг ҳудудий бирлашмалари, муқобил машина-трактор парклари, қишлоқ хўжалиқ ширкатлари ва фермер хўжалиқларининг ўз маблағлари ҳисобидан, трактор ва йиғим-терим техникаси қийматининг 85 фоизини эса «Ўзқишлоқхўжалиқмашлининг» компанияси томонидан берилган маблағлар ҳисобидан тўлаш шарт билан берилади.

— Лизингнинг яна қандай афзалликлари ва имкониятлари ҳақида гапириш мумкин? — Аввало, «Ўзқишлоқхўжалиқмашлининг» компаниясининг ҳар бир вилоятда филиаллари

БЕШДАН ТҮРТ ҚИСМИ ХОРИЖГА

Тошкент туманидаги «Ганжбайжон» ўзбек-турк қўшма корхонасининг асосий маҳсулоти сақич ҳисобланади. Унга талаб доим ошиб бораётганлиги учун ҳам ишлаб чиқариш ҳажми муттасил кўпайтирилди. Бу ерда соғлиқни сақлаш идораларининг тавсияси ва яқиндан берган ёрдами билан сақичнинг йодланган турини тайёрлаш ўзлаштирилиши жамоа учун яхши самара бермоқда. Чунки, корхона маҳсулотини қатор чет эл мамлакатлари ҳам тобора кўпроқ сотиб олмақдалар. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бешдан тўрт қисми ёки 80 фоизи хорижга жўнатишмоқда. Бу корхона валюта жамғармадорининг кўпайишига олиб келмоқда. — Ушбу муҳбиримиздан.

«ИСТИҚЛОЛ ТОНГИ»

Халқимиз жонаҳон Ватанимиз - Ўзбекистон мустақиллигининг шонли 10 йиллигини муносиб тўёналар билан кутиб олиш, шодиёналар билан нишонлаш кайфиятида яшамокда. Кексаю ёш учун энг улғу, энг азиз бўлган истиқлол айёми мамлакатимизда яшаб ижод этаётган барча адабиёт аҳлини янада юксак савиядаги янги асарлар яратишга даъват этмоқда. Маълумки, адабиёт - миллат руҳиятининг кўзгуси, замон солномасидир. «Буюк аждодларнинг ворислари, бой тарихий қадриятларга эга бўлган кўпмиллатли Ўзбекистон халқи ўз олдида улғу ишларни мақсад қилиб қўйишга ҳақли», дейилади Олий Мажлиснинг Ўзбекистон ҳақида Мурожаатида. Бу даъват Алишер Навоийдай буюк зот асос солган адабиётимиз аҳлига ҳам бевосита таалуқли. Шунинг эътиборида тутиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ

таълим вазирлиги, «Ўзтелерадиокомпания», Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси биргаликда энг яхши бадиий асарларнинг «Истиқлол тонги» танловини эълон қилади.

Танловда катнашадиган асарларда миллий истиқлол ғоясининг ҳар бир юртдошимиз қалбидан чуқур ўрин олаётгани, юртимизнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етишадиган ёш авлод руҳиятидаги ватанпарварлик туйғуларини янги услубларда, бадиий жозибали шакл ва мазмунда ифода топмоғи даркор.

Танлов ғолибларини ҳар бир жанр бўйича қуйидаги мукофотлар кутади: битта биринчи мукофот — 100000 сўм, иккинчи мукофот — 75000 сўмдан, учта учинчи мукофот — 50000 сўмдан. Бундан ташқари, танловга келиб тушган сара асарлар манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, корхоналар ва бошқа ҳомийлар томонидан рағбатлантирилади. Танловга 2000 йилнинг 1 сентябридан бошлаб эълон қилинган асарлар қабул қилинади (радио ва телевидение орқали эълон қилинган асарларнинг тасмалари илова қилиниши лозим). Асарлар 2001 йилнинг 31 июлигача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига тақдим этилиши (700000, Тошкент, Ж.Неру кўчаси, 1-уй; тел.: 133-55-27, «Истиқлол тонги» танловига).

Танловга марҳамат, азиз ишодкорлар!

БИЗДАН КЎРА БАХТЛИРОҚ БЎЛАДИЛАР

«Фарзандларимиз биздан кўра билимли, биздан кўра кучли ва албатта, бахтли бўлишлари шарт». Президентимиз ушбу сўзларни бежиз таъкидлаган эмаслар. Бугунги ёшлар келажақ кўргонларидир. Ҳар тарафлама билимли, юксак салоҳиятга эга юрт фарзандлари доимо шу юрт учун, шу она Ватан равнақи йўлида бор куч-қудратларини сарф этадилар. Бунинг учун эса ўша куч, ўша билим, ўша салоҳиятни биз ёшларга беришимиз ва етказиб олишимиз даркор. Мустақилликдан сўнг таълим соҳасидаги ўзгаришлар, ютуқлар, камчиликлар нималардан иборат бўлди? XXI асрда ўзбек маорифи қандай бўлади? Янги асрга, янги йилга таълим тизимидаги қайси ютуқларни олиб ўтатиш? Бу борада ушбу соҳа вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Эътибор АЪЗАМОВА, нафақадаги ўқитувчи. Биз мактабда, олий ўқув юр்தларида ўқиган пайтларда ўқияйтими, ўқияпти деган тамойилга амал қилинар эди. Институтда ўқиган кезларимизда эса, домла талабалар ортидан баҳосини қўйиш учун чопиб юрар эди. У ўқийдими, йўқми, ҳеч кимнинг иши йўқ. «Талабалик — олтин даврим» деган тушуна ўша пайтда пайдо бўлган бўлса ажаб эмас. Чунки дарсларга кирмай, баҳонини шундоқки на осонгина олиш «олтин давр»нинг ўзгинаси эдида. Мактабдаги таълим тизимида эса, саккизинчи синфни тугатган, ўқиш учна яхши бўлмаган ўқувчиларни, улар хоҳлайдими-йўқми, турли касб-хунар билим юр்தларига юборилар эди. Ўзи хоҳламаган мутахассислик бўйича ўқишга кирган ўқувчи қандай қилиб яхши хунар эгаси бўлиши мумкин? Хуллас, гапирса гап кўп. Мустақилликка эришганимиздан сўнг, давлатимиз таълим соҳасига катта эътибор қарата бошлади. Биргина кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши бу борада инқилоб ясади десак муволаба бўлмайди. Эндиликда, ёшларнинг ўзи ўқишнинг кадр-кимматини тушуниб етди.

топдим. 1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига ҳам айнан мана шундай бандлар киритилган. Ўрни унда ўқитувчи-мураббийлар малакасини ошириш, замон талаби даражасида уларни қайта тайёрлаш каби муҳим талаблар бор. Бу ўз самарасини бермоқда.

Дастурда кўрсатилганидек, коллеж-лицейлар ҳам ўз фаолиятини жадаллаштирмоқда. Маълумки, тўққизинчи синфни тугатган ўқувчилар ўзлари хоҳлаган соҳа бўйича коллеж ёхуд лицейларга ўқишга киришлари, бу ерни тугатган эса, хоҳлаган олий ўқув юр்தларида ўқишни давом эттиришлари мумкин. Бугунги таълим соҳасидаги ислохотларни тўла амалга оширсак, ўзимиз кутган илмни, билимни, юксак салоҳиятга эришганимизда келажагини бемалол ишониб топшириш мумкин.

Нодир ҒАФФОРОВ, ЎЗМУ журналистика факультети ўқитувчиси. Мен XXI асрда ўзбек таълим тизими ривожланишининг банд чўққисига чиққанлигини қўришни истардим. Бунинг учун эса, албатта, ўзимиз харақат қилмоғимиз, мақсад ва режаларимизни тўла-тўқис амалга оширишимиз лозим. Янги асрда барча таълим муассасалари замонавий техникалар билан таъминланишини, интернет электрон почта тизими доимо мактабларда, олий ўқув юр்தларида ўқувчи талабалар хизматида бўлиши аниқ. Чунки, бундан буён дунёдан айри ривожланишининг иложи ҳам, имкони ҳам йўқ.

Бугунги кунда ёшларни маънавий юксалтириш борасида, уларни ҳар тарафлама етуқ қилиб тарбиялашга катта имконият яратилмоқда. Илгари чет элга чиқиб билим олиш ҳеч кимнинг хаёлига келган эмас. Жуда борса, Москвада ўқиб қайтишарди. Хозирда Олмония, Америка, Буюк Британия ва ҳоказо ривожланган мамлакатларнинг машҳур олий ўқув юр்தларида ўзбек ёшлари таълим олмақдалар. Бу Президентимизнинг ёшларга билдираётган ишончидир. Умуман олганда XXI аср интеллектуал салоҳияти юксак ёшлар асри бўлади. Ана шундай билимли ва ақли расо ёшлар доимо ўз йўлларидан адашмайдилар.

Суҳбатдош Раъван ЁҚУЗОНОВ.

СПОРТ МАЙДОНЧАСИГА ЯНГИ ЖИҲОЗЛАР

Мактабларимиз спорт майдончаларининг янги жиҳозлар билан таъминланиши ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқишини янада оширади. Республика Фидокорлар партияси кенгаши ёрдами билан Паркент туманидаги 40-мактаб спорт майдончаси ҳам 300 минг сўмлик янги анжомлар билан жиҳозланди. Энди бу ерда ўқувчилар ўзлари қизиққан спорт турлари билан бемалол шуғулланидилар. Асқар КАМОЛОВ.

Кўнгиллари тоғдек кўтарилди

Вилоят марказий бошқаруви шифохонаси доимли бу ерда даволанаётган ногирон болалар...

Тадбирда вилоят «Соғлом авлод» бўлими мудири Гулсанам Ваҳобова, барча шифокорлар, ота-оналар, даволанувчилар иштирок этдилар.

Чинозлик Д. Эрназарова, парентлик И. Асомова, янгийуллик А. Шодмоновнинг оналари кўрсатилган меҳр-оқибат, мурувват учун миннатдорлик билдирдилар.

Тадбирнинг мазмунли ўтишида шифокорлар Ф. Мансурова, М. Юнусова, Б. Расуловларнинг хизматлари катта бўлди.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи.

ЗАМОНА зайлига қаранг-а, бир вақтлари у ёки бу жамоа ҳўжалиги ишига асосан режани бажарганлиги, ҳосилдорлик қанча бўлганлигига қараб баҳо берилар, мактаблар ва ўрнак қилиб кўрсатиларди.

Тошкент туманидаги Гийёс Умаров номи жамоа ҳўжалиги деҳқонлари бу саволга ёруғ юз билан жавоб берадилар.

Бор-йўғи 69 гектар майдонда сабзавот, 80 гектар майдонда галла, 60 гектар майдонда узум етиштирилади. Меҳнатни ташкил этишнинг пудрат усули кадр топади.

Табиийки, шундан сўнг ернинг қадри кескин ортиди, унга бўлган муносабат бутунлай ўзгарди. Деҳқон қандай қилиб бўлмасин бу ерларнинг ҳар бир қаричидан иложи бори-ча кўпроқ фойда олиш йўллари излай бошладилар.

Ўзлари тайёрлай бошладилар. Сифатли уруғ сепилган, сара кўчат экилган далада экин серҳосил, сербарақа бўлиб ривожлана бошладилар.

Биз Нажим Камолов, Мирсаид Хидоятлов,

ислохот мевалари ҳосилнинг, демакки, даромаднинг ва охири оқибат соф фойданинг кўпайишига олиб келмоқда. Агарда 1996 йилда ҳўжалик бўйича ўрта ҳисобда 300 минг сўм соф фойда олинган бўлса, бу йил 31-35 миллионни мўлжаллаб турибдилар.

Муносабатда бўлинган, олинмаган даромад кескин кўпайди. Хусусан, бу йил иссоҳона ҳўжаликка 20 миллион сўмдан ортик соф фойда келтирди.

— Албатта, осон бўлмапти, — дейди ҳўжалик бошқаруви раиси Комилжон Каримов. — Гап эшитяпмиз, маломатга қоляпмиз.

Раис изоҳ беради. Гап шундаки, иссоҳонада узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган айрим сабзавоткорлар нопоклик йўлига ўтиб олган эдилар.

Ҳўжаликда пудратчи деҳқоннинг ишонч, ихлос, иштиёқ билан меҳнат қилаётганлиги умумий ҳисобга олишнинг натижаси бўлиб берилди.

Азиз Тошкент вилояти ички ишлар идоралари фахрийлари, қадри ҳамкасблар!

Сизларни Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар Кенгаши номидан Янги йил байрами билан самимий муборакбод этамиз.

Умринг ўзи бир йўлу, у йўлдан сени бир афсун бошлаб кетаётгандай кетаверсан. Поезд ойнасидан ўз ташвиши билан ўзи овера дунёга тикилиб ўйласан: «Бу йўллардан кимлар ўтган, кимлар ўтмаган...»

Ёшлигимда дадам бир афсонани кўп такрорларди. «Йўл юриб келган одам гарчи толиққан бўлса ҳам — дерди у раҳматли, — ўзининг бор гуноҳини тўкиб, енгиллашиб келади. Ахир биз юрган йўллар фаршга сочларининг ўзи-ку!»

«Она қизим, мен сенинг бардошининг ни синиб кўрдим. Оллоҳнинг нур тўла дуолари сенга, мана кўзларингни қайтариб ол», дейди. Она хайрон бўлиб: «Нега бўлди қилдингиз?» — деб сўрайди.

«Мен шайтаннинг қўлига берилган бўлсан, мен шайтаннинг қўлига берилган бўлсан, мен шайтаннинг қўлига берилган бўлсан...»

«Мен шайтаннинг қўлига берилган бўлсан, мен шайтаннинг қўлига берилган бўлсан, мен шайтаннинг қўлига берилган бўлсан...»

Шундайлар бор бўлсин



Яна сўрайман. — Одамларнинг ташвиши. Бунинг ўзига яраша заки ва азоби бўлади.

«Мен куним ўтганидан ишлаётганим йўқ, Фақат тиркичилик бўлса унинг йўли осон. Мен учун энг асосийси одамлар орасида бўлиш, уларнинг қувончу ташвишини ҳис қилиш.

«Мен куним ўтганидан ишлаётганим йўқ, Фақат тиркичилик бўлса унинг йўли осон. Мен учун энг асосийси одамлар орасида бўлиш, уларнинг қувончу ташвишини ҳис қилиш.

2,5 миллион жуфт тайёрланди

Ангрндаги «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ўтган ҳўжалик йилини муваффақиятли якунлади. Ўз фаолиятининг асосий техник-иктисодий кўрсаткичларини юксалтиришда салмоқли натижаларга эришди.



Дилшод АХМЕДОВ олган сурат.

Йўллар афсонаси

«Мен шайтаннинг қўлига берилган бўлсан, мен шайтаннинг қўлига берилган бўлсан, мен шайтаннинг қўлига берилган бўлсан...»

«Мен шайтаннинг қўлига берилган бўлсан, мен шайтаннинг қўлига берилган бўлсан, мен шайтаннинг қўлига берилган бўлсан...»

«Мен шайтаннинг қўлига берилган бўлсан, мен шайтаннинг қўлига берилган бўлсан, мен шайтаннинг қўлига берилган бўлсан...»

XXI asr va dunyo

XXI асрда дунё икки қудратли гуруҳга бўлиниши мумкин. ЕИ (Европа Иттифоқи); у Шарқий ва Марказий Европани ўз ичига қамраб олади.

Бир неча йил олдин Англияда чоп этиладиган «Иктисодиёт» журнали йирик иктисодий ва сибсатдонлар иштирокида қизиқ бир тадбир ўтказган эди.

150 йилдан кейин нима бўлади? 2018 йилга яқин Японияда кучли зилзила бўлиши эҳтимоли бор.

Бунисига нима дейсиз? 2018 йилга яқин Японияда кучли зилзила бўлиши эҳтимоли бор.

Бунисига нима дейсиз? 2018 йилга яқин Японияда кучли зилзила бўлиши эҳтимоли бор.

Бунисига нима дейсиз? 2018 йилга яқин Японияда кучли зилзила бўлиши эҳтимоли бор.

Бунисига нима дейсиз? 2018 йилга яқин Японияда кучли зилзила бўлиши эҳтимоли бор.

САЛОМ ДЕЙМАН СЕНГА

«Кўрсатса, ўлмаган қул кўрар экан» — Ота — боболардан қолган бу нақл. Ўша кўрмай ўтган қавм наслдан, Сенга етиб келган вақилман, вақил.

Умр деган асли бир лаҳзалик нур, Мангуликнинг чексиз манзарасида. Турибмиз айтибон Оллоҳга шукр, Мана, минг йилликлар рўпарасида.

Омон келдик, минглаб, йиллар комидан, Энди ҳар кунимиз — юз йилга татиш. Васлингга мушарраф авлод номидан «Салом» дейман сенга, эй, ЯНГИ АСР. Мамур БОЗОР АЛИ.

«МАЖНУНТОЛ» ИШГА ТУШДИ

Янги йил арафасида Оҳангарон шаҳри марказида мух-ташам чойхона қурилиб, ишга туширилди. Уни тадбир-кор Шавкат Комилов «Узўйжойжамгармабанкнинг Оҳан-гарон бўлиминдан олган кредити ва ўз маблағи ҳисобига бунёд этди.

Чойхона мажмуи бир қанча шинам хоналарни, катта айвон ҳамда автома-шиналар учун махсус тўхташ жойини ўз ичига олади. Қурилиш жараёнида бу ерга бир қанча мажнунтол ниҳоллари экилиб, қиска вақт ичида кўзга ташланиб қолганлиги боис, замона-вий ва ўзига хос услубда, юксак дид билан қурилган бу йилнинг чойхона «Маж-нунтол» деб аталди. Қудрат ОДИНАЕВ.

БҲ ҚИЗИҚ АҲДИГА ВАФОДОРЛАР

Дунёда турна-ларнинг «кур-кур»ларини эшитганда, юраги ортиқмайдиган одам бўлмас керак. Айни пайтда турнинг «оёғи етмаган» замин ҳам йўқ. Қадим-қадимдан японлар Фудзияма вулкони ва тур-наларни зўр муҳаббат билан тасвирлаганлар. Хиндистон ботқоқликларида қишлоқчи турналарни маҳаллий аҳоли «оқ нилу-фар» деб эркалайдди. Ма-бодо улар қишлоғига бор-май қолса, бутун ҳинди-лар ташвишга тушар экан-лар. Турналарга нега бунча-лик изта-хурмат, деб ўйларсиз. Аввало «турна» лотинчадан таржимада «гўзал» маъносини бера-ди. Унинг тожини кўрган бўлсангиз, худди қизлар сочининг турмагига ўхшаб кетади. Қадди-қомати ҳам гўзалларники каби нозик. Инсон ва бу қуш ўрта-сида ўхшашлик борми? Бор. Турналар жуда вафо-дор бўлишади. Мабодо бахтсизликка учрамаса



— Қара, худди капалакка ўхшайди-я. Даврон АҲМАД олган сурат-лаҳза.

Манглайда сон-саноксиз ажинла-ри бўлган, хирагина кўзларида ҳаётга сўнгсиз муҳаббат учкунлари ёнибгина турган, чувак юзларига табассуми ўзига хос чирой бахш этган Манзура ая саволимини эшитиб, бошини сарак-сарак қилди: «Қайси бирини айтмай, болам, бир бошдан айтaversам

— Аяжон, қачон тур-муш қургансиз? — Оҳ, болам-а, аниқ йили, кун, ойи эсимда йўқ. Йигирманчи йилми-ди, йигирма биринчи-ми-ди, ҳайтовур ўн беш-ўн олти ёшларда эдим. Юртада тўс-тўполон эди. Хали мардикорга оларди оқлошшо, хали аскарга олди, не-не азаматлар-нинг жасадлари олис туп-роқларда қолиб кетди. Раҳматли чолимин Йўлдошвой ота дейишар-ди. Ҳаётда чинакам йўлдош бўлди. Салкам етмиш йил бирга умргу-заронлик қилдим. Йимон-бой бўлгур, Ўзбекистон чинакам хурриятга етган йили вафот этди. Шунга ҳам ўн йил бўлибди.

— Ҳаётингизда кўрганларингиздан ни-маларни кўпроқ эслай-сиз? — Янги келинлик пай-тим эди. Паранжи-чач-вонда юрамиз. Раҳматли чолим, унинг кувёв жура-си биргаликда домлани-кига борадиган бўлди. Расм-русумлар тугади. Қош қорайиб қолган пайт. Бунинг устига бош кўтариб қараш уят, янгам бўлмиш Тошбуви тушма-гур домланкидан чиқа-рилиб, кетиб қолган. Мен янги келин, чолим қолиб, кувёв журанинг орқасидан кетаверибман. Иккови бир хил чопон кийиб олишган эмасми... Вой-бў, роса кулгига қолган-ман. Уруш йилларидаги бир воқеа сира унут бўлмай-ди. Эраклар урушида, хо-тин-халаж, бола-бақра-нинг ҳаммаси далада.

кўрганларим каттақон китоб бўлади-ман. Каттаси билан қолдим. Иккитаси билан қолдим. Шукур, ҳаммаси ўзидан кўнади. 21 неварам, 30та эварам бор. Худо хоҳласа чевара кўрсам деб ният қиламан.

— Илоё ниятларингиз-га етинг, аяжон. Айтиш-ларича, маҳаллада энг ёши улуги ўзингиз экан-сиз. — Шунақа дейишарди.

BOG'CHAGA — DO'MBOQCHAGA



O't yonsa yuragida, Ishga shay po'lat toychoq. Ishlatsang keragida, Doim bo'lar ko'ngling chog'. Oynadek silliq yuzi, Kiyimga tushsa izi, Orolanar chit, gazmol. Topdim, topdim bu?..

Topishmoqlar

Kiysa u qora qalpoq, Sutdek toshadi oppoq. O'xshab ketadi nokka, Ulanadi u tokka.



Tohir MULLABOEV.

Бир пиёла чой ўстида

ЯХШИ НИЯТЛАРИМИЗ ЙЎЛДОШ БЎЛСИН

дейди Тошкент туманидаги Қизгалдоқ қишлоғида яшовчи, иккинчи асрни қарши олган Манзура ая Маҳкамова

қолувдим. Қани энди эгати-нинг бошига ета олсам. Хуллас, бажаролмадим. Шу кунги ҳисобчи лоқал ярим-та нон ҳам бермади. «Мен учун эмас, мана шу нора-сида учун бергин», десам ҳам кўнади. Ҳар кун дас-турхондаги анвойи нонлар-ни кўриб, ўша воқеа хаё-лимда жонланаверади. — Чиндан ҳам таъсир-ли воқеа экан. Ўша ўғил-ларингиз нима ш қили-шарди? — Каттаси тўрт-беш йил бўлди, оламдан ўтган. Ки-чиги дўхтирлик қилади. Пенсияга чиқдим деярта. Каттам омон бўлганда е-тмишга кирарди. Энг кен-жам ҳозир эллик уч ёшда. Гоҳида сочлари оқаргани-ни кўриб, юрагим эзилиб кетади. Унга қўшилиб ўзим ҳам қариб қолаётганга ўхшайман. Тўққиз фарзанд кўрганман, болам. Етти-та-

инг жаннатда бўлгур чолим билан бирон марта ношукур-чилик қилмаган-миз. Тўлиб-тош-ган кунларимиз бўлди, қотган нон еб қайнаган сув ичган пайт-ларимиз бўлди. Лекин бирон марта бировга ҳасад қилмадик, ҳавас қилдик. Қўлимиз меҳ-натда, тилимиз ниятда бўлди. Шукур, мана шундай кунлар-га етдик. Иккин-


Қамра ХУШ КЕЛ!

Оппоқ қор уқпарлари са-модан ерга ёғилар экан, қишинг зийнати олдида ҳайратга тушаман. Қорни оқ ниятли инсонларга менгазим келади. Сахар чоғи Она-Ер энг биринчи уйғониб, қировлар остида бир муддатга ором-га кетган ўт-ўлан, ўсимлик-ларни меҳр билан кучади. Аста-секин қушларнинг хо-ниши туйғуларим, ҳисла-римга эш бўлиб, руҳиятим-да ажиб бир кайфият пай-до этади. Қўларим чирой-га бурканган оқликларни кўради. Ўтган умримизга боқиб, қилинган ишлар сарҳисо-бини қиламиз. Ушбу йил «Оналар ва болалар» йили деб аталиши барча қатори мени ҳам тўлқинлантириб юборди. Янги йилда беҳи-тиёр инсон кечинмаларида янги орзулар, янги умид, янги ўйлар ҳукмрон. Ҳар бир нарса, яшаш тарзи-мизни янгилик асосига қурамай. Шундай фараҳли, сирли-синоатли, юракларимизни жунбушга келтирувчи Янги йил — учинчи минг йиллик-нинг биринчи йилига ҳам етиб келганимиз қувонар-лидир. Дўстнинг дийдорига, соғинч аталмиш туйғу-га талпиниб яшаймиз. Яхшиликка интилиб, эз-гулик сари отланган киш кунининг яна бир саҳифа-си ўтмиш аталмиш сирли дарвозадан кириб келади. Энди уни фақат хотира ойнаси орқали кўра ола-миз. Олдинда бизни Янги кунлар кутмоқда. Илоҳим, қадамларинг қўтулғ бўлсин Янги йилим! Муқаддас ЮСУПОВА.

ТОМОШАБИНЛАРНИ КИМ КУЛДИРАДИ?

1. Таваллудига 560 йил тўладиган ўзбек муомтоз шои-ри, мутафаккири. 2. Воқеа-ҳодисалар даврлари бўйича қайд этилган манба. 3. Ав-лоддан-авлодга ўтиб келаёт-ган урф-одатлар мажмуи. 4. Саратон ва Сунбула орали-ғидаги бурж. 5. Футбол бўйи-ча мамлакатимиз чемпиони. 6. «Узун» йил. 7. Олимпиада ўйинлари қолиби, боксчи. 8. Зарга сотилмас, зўрга топи-лас. 9. Янги йил бошланган-нида бонг урадиган чиройли шаҳар. 10. Байрам ширинли-ги. 11. Янги йилни биринчи бўлиб кўтиб олувчи мамла-кат пойтахти. 12. Халқаро спорт ўйинлари мусобақаси. 13. Тантанали кун. 14. Дунё-нинг кўпчилик мамлакатлари-да амал қилинаётган йил. 15. Байрамда тўкин бўладиган буюм. 16. Айём таровати. 17. Яқунланган йиллимиз номи-дан: «Соғлом...» 18. Роҳат-фароғатли замон, омадли чоғ. 19. Ўзбек халқ рақс кўйи. 20. Субҳидам. 21. Дунё вақ-ти деб қабул қилинган, но-лини меридиан «ўтказилган» обсерватория жойлашган ок-

руг. 22. Тинчлик рамзи, ман-зарали ўсимлик. 23. Тарафма-тароф бўлиб ижро этиладиган қўшиқ. 24. Муси-қали саҳна санъ-ати. 25. «Ниҳол» мукофоти со-вурдори, эстра-да дастаси. 26. Янги йил меҳмони. 27. Сўз усталари баҳси. 28. Янги йил кириши билан зилол бўлоқ суви ичиладиган мамлакат. 29.



Бўш вақтларда

Ихтиёрий равишда бирор кишига қилинган меҳрибон-лик, зағулик. 30. Янги йил энг кейин кириб келадиغان дав-лат. 31. Қучли совуқ ҳаво. 32. Мароқли кўтаринки кайфият. 33. Халқ сайилларида томо-шабинларни қулдирувчи санъаткор. 34. Мақсадага ори-шиш йўлидаги матонат. 35. Яқунланган асринг сўнгги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган қиш. 36. Амалга оши-рилган фаолият ҳақидаги ху-лоса. Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

Об-ҳаво

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 3-6 январь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Шу даврнинг ўрталари-га бориб тоғли туманларда вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечалари 2 даража совуқ, 3 даража илик, кундуз кунлари эса 6-11 даража илик бўлади. Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «ОРТОПРОТЕЗ» масъулияти чекланган жамияти ТУГАТИЛАДИ. Давволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой да-вомида қабул қилинади. Тошкент вилояти Адлия бошқармасининг 2000 йил 19 декабрдаги 28-сонли қарорига асосан Тошкент вилояти Чиноз туманида жойлашган «АДОЛАТ» Адво-катлик бюроси ДАВЛАТ РҲҲАТИДАН ЧИКАРИЛАДИ. Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Мирсаидович Раҳимбердиевга падари бузрукворчи Мирсаид ота РАҲИМБЕРДИЕВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI • Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ • Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ • Маълумоти: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. • Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48, Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27. • Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда да-лилларнинг тўричилиги учун реклама ва эълон берув-чилар масъулдир.